



ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИ: ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

9 ноябрь куни Тошкент шаҳрида “Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари” шиори остида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Эрон Ислом Респуб-

Республикаси Бош вазири Анвар ул-Ҳақ Какар, Қозғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смайлов ва ИХТ бош қотиби Хусрав Нозирий иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти саммитни очар экан, ушбу муҳим тадбирдаги иштироки учун олий мартабали меҳмонларга салимий миннатдорлик билдирди, бу ҳар

Давлатимиз раҳбари айтганидек, ярим миллиард аҳоли яшаيدиган ИХТ макони савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги

Жумладан, ташкилот фаолиятини ислох қилиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда транспорт вазирларининг Тошкент декларацияси қабул қилинди, минтақавий электр энергияси бозори ҳамда Боку шаҳрида Тоza энергия маркази ташкил этилмоқда. Экология соҳасида юқори даражадаги мулоқот платформаси тузилди, туроператорлар тармоғи яратилди ва Хавфсиз туризмини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти аъзо давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган катта салоҳият мавжудлигини таъкидлади. Масалан, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичи 85 миллиард долларни ташкил этди, бу уларнинг умумий ташқи савдосининг атиги 8 фоизидир.

Имтиёзли савдо битимини тузиш бўйича кўп йиллик уринишлар қутилган самарани бермапти. Тўсиқсиз савдонини шакллантириш йўлида ҳали-ҳамон кўплаб чеклов ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

ИХТ доирасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035” концептуал ҳужжатини ишлаб чиқишни тақлиф этди.

Ушбу муҳим ҳужжатда ўзаро савдони рағбатлантириш, транспорт-коммуникациявий боғлиқликни кучайтириш, саноат кооперациясини фаоллаштириш, энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, туризм ва маданий-гуманитар алмашинув

ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни қабул қилишга қарор қилинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмларини камида икки баробар кўпайтириш мумкин.

Аъзо давлатларнинг аксарияти денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмаслигини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти транскътавий транспорт йўлакларини салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ва Трансафғон мультимодал йўли лойиҳаларини ишга тушириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Тошкентда 2 ноябрда бўлиб ўтган транспорт вазирларининг йиғилишида “Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Туркия” транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатга бошқа аъзоларни ҳам қўшилишга, ўзаро тариф ва йиғимларни мақбуллаштиришга қарор қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўзаро инвестициялар оқимини кўпайтириш, уларни ҳимоя қилиш ва саноат кооперациясини чўқурлаштириш бўйича Қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ҳудудлараро саноат кўргазмасини ташкил этиб, унинг дастлабки тадбирини 2024 йилда юртимизда ўтказиш муҳимлигини қайд этди.



ликаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режап Таййип Эрдоган, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Покистон Ислом



Кун тартибига мувофиқ, ИХТ доирасида кўп қиррали ҳамкорлик истиқболлари ва уни янги босқичга олиб чиқиш муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.



алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

Кейинги йилларда ташкилот доирасидаги ҳамкорлик жадал ривожланаётгани, 2021 йилги Ашхобод саммитида илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди.

соҳасидаги ҳамкорликни чўқурлаштириш каби асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим.

Давлатимиз раҳбари товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нотариф тўсиқларини бартараф этиш, божхона, фитосанитария

Ўзбекистон ташкилотнинг Савдо ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини кенгайтириш тарафдори экани ҳам таъкидланди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хурматли Бош қотиб! Анжуман иштирокчилари! Авваламбор, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз! Бугунги олий даражадаги учрашуви-миз бизнинг умумий тараққиёт йўлида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган қатъий интилишимизнинг яққол далилидир.

Бугун кўз ўнгимизда дунё сиёсий архитектураси том маънода ўзгармоқда ва глобал қайта қурилиши содир бўлмоқда. Бу мураккаб жараёнларда ўзининг катта ўрнига эга бўлган Ташкилотимиз давлатлари биргаликда ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилиши, вужудга келаётган хавф-хатарларга қарши самарали ечимлар топиши муҳимдир.

“Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари” шиори остида ўтаётган саммитимизда сиз, азиз ҳамкасбларим билан кўп томонлама алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқиш ва энг долзарб масалалар бўйича батафсил фикр алмашамиз.

Барчангизга бугунги тадбиримизда иштирок этаётганингиз ва ўзаро манфаатли муносабатларимиз ривожланишига қўшаётган улкан ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Озарбайжон Республикаси Президенти хурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни Ташкилотимиздаги муваффақиятли раислиги билан самимий табриқлайман.

Озарбайжон раислиги доирасида “Яшил ўтиш ва ўзаро боғлиқлик йили”да ўтказилган қатор тадбир ва ташаббуслар амалий шериклигимизни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшди. Келгуси йилда Ташкилотимизга раислик қиладиган Эрон Ислом Республикасининг минтақавий савдони ривожлантириш орқали ҳамкорликни янада чўқурлаштириш борасидаги режа ва мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Бундан ролпа-роса икки йил олдин Ашхобод шаҳрида Ташкилотимизнинг ўн бешинчи саммитини муваффақиятли ўтказган эдик. Туркменистондаги йиғилишимизда қабул қилинган муҳим қарорлар тузилмамиз фаолиятига янги нафас олиб кирди.

Ташкилотни ислох қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, транспорт вазирларимиз қабул қилган Тошкент декларациясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этмоқчиман.

Боку шаҳрида Тоza энергия марказини ташкил этиш ва минтақавий электр энергияси бозорини яратиш масаласи бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Экология соҳасида юқори даражадаги мулоқот платформаси тузилди. Туризм ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида биринчи бор Ташкилот туроператорлари тармоғи яратилди ва Хавфсиз туризмини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Қадрли делегациялар раҳбарлари! Ташкилотимиз аъзоларини муштарак тарих ва муқаддас ислом динимиз, бой маданият ва ўхшаш қадриятлар чамбарчас боғлаб туради.

Ярим миллиард аҳоли яшаидиган кенг минтақамиз савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

▶ Давоми 2-бетда

ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СЕРЖО МАТТАРЕЛЛА ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла 9 ноябрь куни расмий ташир билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар қутиб олди. Ташир доирасида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди.

Кун тартибидан Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва устувор йўналишларда ўзаро

манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил июнь ойидаги Италияга таширфи давомида эришилган қелишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Саммит якунида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши қутулмоқда.

Шунингдек, Президент Сержо Маттарелла Самарқанд ва Хива шаҳарларига таширфи буюриб, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси билан танишади.

ЎЗА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёдаги бугунги зиддиятлар, савдодаги чекловлар иқтисодиётда ўз аксини топмай қолмайди. Жумладан, бу омиллар озиқ-овқат ва тўқимачилик экспортига салбий таъсир

қилди. Бу вазиятда энг тўғри йўл — қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни кескин ошириш ҳисобига таннархни камайтириш, қуқур қайта ишлашга ва қўшилган қиймат яратишга кўпроқ

инвестиция жалб қилиб, экспортни кўпайтиришдир.

Шу боис, йиғилишда қишлоқ хўжалигини янгича ёндашувлар, ташкилий ва молиявий воситалар орқали қўллаб-қувватлаш чоралари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир тармоққа алоҳида тўхталиб, янги тақлиф ва ташаббусларни айтди.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Тахлилларга кўра, жаҳондаги глобал инқирозга қарамаздан, бизнинг иқтисодиётларимиз барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда орта қайтмас ислохотлар жадал амалга оширилаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Биз иқтисодиётни либераллаштириш, ҳалқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада юксалтиришга асосий эътиборни қаратяпмиз.

Янги Ўзбекистонда сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим баробар кўпайди. 2030 йилга қадар ушбу иқтисодий кўрсаткични яна икки баробарга оширишни мўлжалляймиз. Бунга, аввало, “яшил” иқтисодиёт ва замонавий инфра-тузилмани барпо этиш, хусусий секторни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда.

Бу борада халқаро майдонда ўз овози ва нуфузига эга Ташкилотимизнинг барча аъзолари билан самарали ишлашга тайёриймиз. Зеро, яқин ва яхши кўшни бўлган мамлакатларимиз иқтисодиётлари бир-бирини тўлдирга олади. Умумий савдо-транспорт коридорлари ва энергетика тармоқлари эса давлатларимизни узвий боғлайди. Биз янги “ўсиш нукталари”ни биргаликда излаб топиш орқали келгусида салмоқли натижаларга албатта эришамиз.

Хурматли йилғилиш иштирокчилари! Ўзбекистон Ташкилотимизнинг асосий ҳужжати бўлган “Истиқболлар — 2025” иқро-сини сарҳисоб қилишни қўллаб-қувватлайди. Ҳозирча ишга солинмаганди катта имкониятларнинг чуқур таҳлили асосида Ташкилотимизнинг келажакдаги устувор соҳа ва тармоқларини белгилаб берувчи “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035” концептуал ҳужжатини ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу муҳим ҳужжатда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, ўзаро савдони рағбатлантириш. Утган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичи 85 миллиард долларни ташкил этди. Бу Ташкилотта аъзо давлатлар умумий ташқи савдосининг атиги 8 фоизи демакдир. Афсуски, имтиёзли савдо битимини тузиш бўйича кўп йиллик уринишлар қутилган самарани бермапти. Тўқсиз савдони шакллантириш йўлида ҳали-ҳамон қўллаб-чечков ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бу ҳолатларни очик тан олишимиз ва уларни ижобий томонга ўзгартириш учун вазиятга янгича қараш билан ёндашиш керак. Шу муносабат билан экспертларимиз томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни қабул қилишга қақираман.

Ушбу ҳужжатда товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нота-риф тўқиларини бартараф этиш, боғжона, фитосанитария ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдонини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмларини камида икки баробар кўпайтириш мумкин.

Иккинчидан, ўзаро транспорт-коммуникация боғлиқлигини кучайтириш. Аъзо давлатларнинг акасияти денгизга тўғридан-тўғри қиқш имкониятига эга эмас. Шу билан бирга, Осиё-Тинч океани, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа минтақаларининг йирик бозорлари билан боғлайдиган ва бизнинг ҳудудларимиз орқали ўтадиган трансконтинентал транспорт йўлақлари са-лоҳиятидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Келгусида “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” ва Трансафғон мультимодал йўлларининг ишга туширилиши барча аъзо давлатлар манфаатларига мос келади.

Тошкентда 2 ноябрда бўлиб ўтган транспорт вазирларининг йилғилишида “Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Туркия” транспорт йўлагини ривожлан-

тириш бўйича қабул қилинган ҳужжатга бошқа аъзоларни ҳам қўшилишга, ўзаро тариф ва йиғимларни мақбуллаштиришга қақираман.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Озарбайжон ва Туркия билан юк ташини ҳужжатларини рақамлаштирди, шунингдек, бошқа давлатлар билан бундай лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу каби замонавий тизимларни кенг жорий қилиш ҳамда самарали мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида Ташкилотнинг Рақамли транспорт ва боғжона офисини ташкил этиш ташаббусини билдираман.

Учинчидан, саноат кооперацияси ҳамда ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш, индустриал хабарни шакллантириш.

Биз ўзаро инвестициялар оқимини кўпайтириш, уларни ҳимоя қилиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш бўйича Қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, Ташкилотимиз Котибиятига тақдим этдик. Мазкур ҳужжатда кимё, энергетика, геология, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика ва қурилиш соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсад қилиб қўйилган. Бу зғу йўлда Ташкилотнинг Савдо ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини кенгайтириш тарафдоримиз.

Кеча Тошкентда ўтган Савдо-саноат палаталари ва қўллаб қўллашчиларимиз раҳбарлари иштирокидаги бешинчи биз-нес-форум хусусий септорда катта салоҳиятга эга эканимизни яққол кўрсатди. Биз Ташкилотимиз доирасида ҳудудларро саноат кўргазмасини ташкил этиш ва унинг дастлабки тадбирини 2024 йилда юртимизда ўтказиш тақлифини илгари сурамиз.

Тўртинчидан, энергетика хавфсизлигини қафолатли таъминлаш. Миллий энергетика стратегияларини уйғунлаштириш, минтақаларо энергия ресурсларини узати тармоқларини ривожлантириш, “яшил” энергетика технологияларини кенг жорий этишнинг аҳамияти ошмоқда.

Биз Ташкилотнинг энергетика соҳасида ҳамкорлик стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. 2030 йилгача 25 гигаватт қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбаларини яратишни ва балансимизда уларнинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганимиз. Шу йилнинг ўзида 2 гигаватт қувватдаги йирик шамот ва қуёш электр станцияларини ишга туширяпмиз. Шунингдек, “яшил водород” ишлаб чиқариш соҳасида ҳам илк қадамларни қўймоқдамиз. Ушбу йўналишларда барча давлатлар билан очик мулоқот ва тажриба алмашишга тайёриймиз.

Ҳамкорлик масалаларини батафсил муҳокама қилиш ва ишларни тизимли асосда олиб бориш учун Ташкилотимиз доирасида алоҳида Энергетика вазирлари кенгашини таъсис этишни тақлиф этамиз.

Бешинчидан, иқлим ўзгаришларига қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича алоқаларни жадаллаштириш. Ҳозирги вақтда бизнинг давлатларимиз бу ўткир муаммоларнинг оғир оқибатларига дуч келмоқда. Музлиқларнинг эриши, сув ресурслари тақчиллиги, қўлланаш, чанг бўронлари, тупроқ емирилиши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби жараёнлар қаттиқ хавотир уйғотмоқда.

Тузилмаимиз доирасида Экология масалалари бўйича юқори даражали платформа яратиш борасида гоямизни қўллаб-қувватлаганимиз учун ташаккур изҳор этаман. Унинг биринчи анжуманини 2024 йили Самарқанд иқлим форуми доирасида ташкил этишга тайёриймиз.

Шунингдек, келгуси ҳафтада юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланлиш қарши курашиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш бўйича кўмита йилғилишида вакилларинингизни фаол иштирок этишга чорлаймиз. Ҳозирги вақтда тобора жиддий муаммога айланиб бораётган

қум-чанг бўронларига қарши курашиш мақсадида Самарқанд декларациясини қўллаб-қувватлашга қақирамиз.

Олтинчидан, туризм соҳасида ҳамкорликни кучайтириш. Яқинда 140 дан ортқ давлатлар иштирокида Самарқандда бўлиб ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси сессияси минтақамиз сайёҳлик салоҳиятига бутун дунё эътиборини жалб этиш борасида тарихий воқеа бўлди.

Бугунги кўнда Ташкилот маконида ЮНЕСКОнинг 90 га яқин Бутунжаҳон мероси объектлари жойлашган бўлиб, мамлакатларимизга ҳар йили салкам 80 миллион хорижий сайёҳлар ташириф буюрмоқда.

Трансчегаравий йўналишлар тобора оммалашаётганини ҳисобга олиб, қўшма туристик маршрутларни жорий этиш ҳамда “Йпак йўли” сайёҳлик бренди остида умумий сайёҳлик дастурларини кўпайтиришни тақлиф этаман.

Ташкилотимиз Котибияти ҳузурида аъзо мамлакатларнинг туризм маъмуриятлари ва етакчи экспертлардан иборат алоҳида Туризм бўйича маслаҳат қўмитасини ташкил этиш тақлифини билдирмоқчиман. Унинг илк учрашувини келгуси йили Ташкилотимизнинг туризм пойтахти деб эълон қилинган Шаҳрисабз шаҳрида ўтказишга тайёриймиз.

Шунингдек, аъзо давлатларни Самарқандда очилган Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Халқаро туризм академияси имкониятларидан унумли фойдаланишга қақирамиз.

Еттинчидан, маданий-гуманитар ҳамкорлигини чуқурлаштириш орқали дўст халқларимизни янада яқинлаштириш. Ҳар йили мамлакатларимизда навбат билан Маданият, санъат ва кино ҳафталикларини ўтказиб бориш, ёшларнинг ижодий фести-валлари ва инновацион ҳамкорлик плат-формасини йўлга қўйиш, фундаментал илмий йўналишларда ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш алоқаларимиз ривожига кучли туртки бағишлайди.

Хурматли саммит қатнашчилари!

Глобал тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган Яқин Шарқдаги Фаластин — Исроил уруши барчамизда катта ташвиш уйғотмоқда. Минг афсуски, бу қонли низо оқибатда аввало, тинч аҳоли вакиллари, айниқса, аёллар, болалар ва кексалар қўллаб-қўрбон бўлмоқда. Урушнинг минтақа бўйлаб ёйилиб кетиш хавфи тобора реал тус олмақда.

Қарама-қаршилиқнинг кенг қўламли низога айланиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Биз томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга, тинч музокараларни бошлаш, оқилона муроцага келишга қақирамиз.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциялари билан тасдиқланган ҳуқуққа, яъни ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга, деган қийли позициямизни яна бир бор билдира-миз.

Шунингдек, бугунги саммит Ташкилотимиз аъзоларидан бири бўлган Афғонистон иштирокисиз ўтаётганига диққатингизни қаратмоқчиман.

Асрлар давомида бизга ён қўшни бўлган қўмиллатли Афғонистон халқини бугунги мураккаб муаммолари қаршисида ёлғиз қолдириб бўлмайди. Ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнидаги фаол жалб этиш барқарор тараққиётимизнинг ажралмас ва зарурий шартдир.

Барчангизни афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни кўпайтиришга, ушбу мамлакатдаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жамовий масъулият ва мақбул механизмлар асосида ҳал этишга қақираман.

Хурматли ҳамкасблар! Нутқимнинг якунида алоҳида таъкидламоқчиманки, бугунги тарихий саммит ва унинг натижалари Ташкилотимизни самарали ва таъсирчан тузилмага айлантиришга, қўққирлали шериклигимизни янги мар-раларга олиб чиқишга ишонаман. Эътиборингиз учун раҳмат.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИ: ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИҚР АЛМАШИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш доирасида миллий энергетика стратегияларини уйғунлаштириш, минтақалараро энергия ресурсларини узатиш тармоқларини ривожлантириш, “яшил” энергетика техно-логияларини кенг жорий этишнинг аҳамияти ошиб бораётганини кўрсатиб ўтилди. Соҳада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақса-дида ИХТ Энергетика вазирлари кенгашини таъсис этиш тақлиф қилинди.

Иқлим билан боғлиқ хатарлар ортиб бораётгани муносабати билан Ўзбекистон Президенти иқлим ўзгаришига қарши кура-шиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамкорликни кучайтириш за-рурлигини қайд этди. 2024 йилда бўлажак Самарқанд иқлим форуми доирасида Эко-логия масалалари бўйича юқори даражали платформанинг биринчи анжуманини ўтказиш тақлиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташкилотта аъзо мамлакатлар вакилларини келгуси ҳафтада юртимизда бўладиган Бирлашган Миллат-лар Ташкилотининг Чўлланлиш қарши кура-шиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш бўйича кўмита йилғилишида фаол иштирок этишга чорлади ҳамда қум-чанг бўронларига қарши курашиш мақсадида Самарқанд декларациясини қўллаб-қувват-лашга қақирди.

Туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳиятни ва трансчегаравий йўна-лишлар тобора оммалашаётганини ҳисобга олиб, қўшма туристик маршрутларни жорий этиш ҳамда “Йпак йўли” сайёҳлик брен-ди остида умумий сайёҳлик дастурларини кўпайтириш тақлиф этилди.

Президентимиз ИХТ Котибияти ҳузурида аъзо мамлакатларнинг туризм маъмурият-лари ва етакчи экспертлардан иборат Тури-зм бўйича маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ҳамда унинг илк учрашувини ташки-лотнинг туризм пойтахти деб эълон қилин-ган Шаҳрисабз шаҳрида ўтказиш тақлифи-ни билдирди.

ИХТ мамлакатлари халқларини янада яқинлаштиришда маданий-гуманитар ҳам-корлигини чуқурлаштиришнинг аҳамиятини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти ҳар йили маданий, санъат ва кино ҳафталикларини ўтказиб бориш, ёшларнинг ижодий фести-валлари ва инновацион ҳамкорлик плат-формасини йўлга қўйиш, фундаментал илмий йўналишларда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш тақлиф қилиди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўткир халқаро ва минтақавий муаммоларга, шу жумладан, Яқин Шарқ ва Афғонистондаги вазиятга ҳам тўхталиб ўтди. Ҳазо сектори-даги ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, тинчлик музокараларини бошлаш ва оқилона муроцага келишга қақирди. Фа-ластин халқи БМТ резолюциялари билан тасдиқланган ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқи борасидаги қатъий пози-циясини яна бир бор билдирди.

Ўзбекистон Президенти афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни кўпайтиришга, ушбу мамлакатдаги ўткир ижтимоий-иқтисо-дий муаммоларни жамовий масъулият ва мақбул механизмлар асосида ҳал этишга қақирди. Таъкидланганидек, ушбу мамла-

катни минтақавий интеграция жараёнлари-га фаол жалб этиш барқарор тараққиёт-имизнинг ажралмас ва зарурий шартдир.

Саммитда Озарбайжон, Эрон, Қирғизис-тон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Покистон, Қозогистон делегациялари раҳ-барлари ҳамда ИХТ бош котиби Хурсав Нозирий ҳам сўзга чиқди.

Кўн тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Пре-зиденти саммит раиси сифатида ташкилот-нинг илм-фандаги муваффақиятлар учун мукофоти ғолибларини эълон қилди. Ҳар бир мамлакатдан бир нафар вакил муко-фотга сазовор бўлди.

Тадбир якунида Тошкент коммюникеси қабул қилинди.

Ташкилотта раислик Эронга ўтди, нав-батдаги саммит Озарбайжонда ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити тадбирлари доирасида Эрон Ислон Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимўхамедов, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Қозогистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов билан учрашувлар ўтказди.

Эрон Ислон Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашувда Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо, инвестициялар, инновациялар ва транспорт соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш маса-лалари муҳокама қилинди.

Ўзаро мулоқотлар фаол давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Икки томонлама савдода ўсиш суръати сақланиб қолмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари бир-галикда амалга оширилмоқда.

Илгари олий даражада эришилган кели-шувларни тўлиқ рўёбга чиқариш масалала-рига алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат кооперацияси ва маҳаллийлашти-риш, қишлоқ ҳўжалиги, логистикада Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Эрон раҳбарлари мада-ний-гуманитар ва илм-фан соҳасидаги ал-машинувларни ривожлантириш муҳимлиги-ни кўрсатиб ўтдилар.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, Афғонистонда-ги бугунги вазият нуктаи назаридан кўриб чиқилди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшнчилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш маса-лалари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдони кўпайтириш, машинасоз-лик, энергетика, электротехника, тўқима-чилик ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича, шу жумладан, Ҳукуматлараро комиссия фао-лияти доирасида мувофиқлашган ишларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳудудлар ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари ва маданий-гуманитар алмаш-

нувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимўхамедов суҳбат аввалда Ўзбекистон етакчисига Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангул Бердимўхамедовнинг саломи ва энг зғу тилақларини етказди.

Икки томонлама муносабатларнинг дол-зарб масалалари ҳамда олий даражадаги келишувлар ижроси батафсил кўриб чиқил-ди.

Томонлар Ўзбекистон билан Туркменис-тон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва чуқурлашган стратегик шериклик изчил ри-воқланиб, мустақамланиб бораётганини мамнуният билан қайд етдилар.

Савдо, саноат, энергетика, сув ҳўжалиги, транспорт ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ҳудудларро ва маданий-гуманитар алоқалар фаол. Жорий йил октябр ойда Туркменистон ва Ўзбекистон маданият қўн-лари муваффақиятли ўтказилди.

Икки мамлакат Президентлари минтақа-вий кун тартиби ва кўп томонлама тузилма-лар доирасидаги ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқдилар.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашувда Ўзбекис-тон — Озарбайжон дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Мунтазам ўтказиб келинаётган олий да-ражадаги мулоқотларда эришилган кели-шувларнинг натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмоқда, автомобиль, электротехника, тўқимачилик саноатида, энергетика тармоғида, қишлоқ ҳўжалиги, логистика ва бошқа усту-вор йўналишларда муҳим кооперация лойи-ҳалари амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари амалий ҳамкорлик дастур ва лойиҳаларини илгари суриш борасида биргаликдаги ишларни жадал давом еттириш муҳимлиги-ни таъкидладилар.

Қозогистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов учрашув аввалдада Ўзбекистон етакчисига Қозогистон Рес-публикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг зғу тилақла-рини етказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозогистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривож-ланиб бораётганини мамнуният билан қайд етди.

Олий даражада эришилган, шу жумла-дан, товар айирбошлашни ошириш, саноат кооперацияси ва логистика лойиҳаларини илгари суриш борасидаги келишувларнинг тўлиқ амалга оширилишига алоҳида эъти-бор қаратилди.

Бу борада қўшма Ҳукуматлараро комис-сиянинг самарали ишини давом еттириш муҳим экани таъкидланди.

Бошланиши 1-бетда

Тахлилларга кўра, бу йил 41 та пахта-тўқимачилик кластерида ҳосилдорлик 40 центнердан ошган бўлса, 9 тасида 30 центнердан кам бўлган. Ҳосилдорлик паслтиги ва тан-нарх юқорилиги оқибатида Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида рентабеллик 10-11 фоиздан ошмаган.

Шароит ва изланиш бўлса, яхши тажрибалар ҳам бор. Масалан, Навоий вилоятидаги “Навбахор” кластери хориж-дан олиб келган янги пахта нави ўртача 70 центнердан ортқ ҳосил берапти. Унинг таннархи, дейлик, Жиззахдагига нисба-тан қарий икки баробар арзонга айланяпти.

Шу боис, пахта уруғчилиги бўйича янги ёндашувлар кўр-сатиб ўтилди. Унга биноан, келгуси йили ҳар бир вилоятдаги балл бонитети пахта, сўғориш қийин бўлган ва ҳосилдорлиги 30 центнердан ошмайдиган 1 тадан туманда 70-80 центнер-дан юқори ҳосил берадиган пахта уруғини четдан олиб ке-лишга руҳсат этилади. Шунингдек, 30 центнердан паст ҳосил бераётган навларни экиш тўхтатилиб, уруғчилик институти-лар томонидан ишлаб чиқилган янги серҳосил навлар билан алмаштирилади.

Бу соҳадаги яна бир долзарб масала — айрим кластер ва фермерлар ўртасида ҳисоб-китоб интизоми бузилган. 122 та кластернинг Қишлоқ ҳўжалиги жағмармаси ва фермерлар олдида қарздорлиги бор. 6 та кластернинг ишлаб чиқариш қуввати йўқ бўлса-да, уларга имтиёзли кредит берилган.

Шундан келиб чиқиб, кластерларни ташкил этиш, улар билан фермерлар ўртасидаги муносабатлар бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Энди янги кластерларга молиявий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва техника таъминоти бўйича талаблар қўйилади ва очик танлов орқали танланади. Уларда камида икки босқичли қайта ишлаш бўлиши шарт.

Фермерлар бир вилоят ичидаги хоҳлаган кластери билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин бўлади. Улар фьючерс шартномасидан ортан ҳос



CAMMIT

МАНФААТЛИ МУЛОҚОТ УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

Эксперт ва ишбилармонлар Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти келажagini шундай баҳолашмоқда

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн олтинчи саммити ва унинг доирасида бўлиб ўтган тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ташкилотга аъзо давлатлар равнақи учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ўртага ташланган масалалар, илгари сурилган ташаббуслар бунга асос бўлади. Шу жиҳатдан олганда, мазкур нуфузли анжуман аъзо мамлакатларнинг нафақат бугуни, балки келажаги учун ҳам аҳамиятли. Бунга эксперт ва тадбиркорларнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Ашраф Хўжаев,
Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Иқтисодий дипломатия департаменти директори:

— 2021 йили Ашхободда бўлиб ўтган саммитда давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббусларни халқаро экспертлар ҳамда аъзо давлатлар эътирофи билан, улар ривожланишига жуда жиддий, қучли туртки берганини таъкидлади.

Чиндан ҳам, 2021 йилдан бошлаб ушбу ҳамкорликнинг барча жабҳаларида жиддий фаоллашувни кўряпмиз. 2022 йилда Ўзбекистон биринчи марта мазкур ташкилотга раислик қилди. Раислик даврида ўзаро биргаликдаги ҳаракатларни чуқурлаштиришга ёрдам берувчи қўллаб-таътирлар ўтказилди.

Ўзбекистон учун бу ташкилот, аввало, иқтисодий манфаатларимизни илгари суринишга қаратилган қўл томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун жуда аҳамиятли, қулай платформадир. Бу транспорт коммуникациялари нуктаи назаридан ҳам муҳим. Чунки ИХТга аъзо деярли барча давлатлар энг яқин қўшниларимиз, табиий шеркларимиз. Ўзбекистонга ва ташқи бозорларга йўналган барча юк ва экспорт оқимларимиз айнан шу мамлакатлар орқали ўтади. Булар, биринчи навбатда, Туркменистон, Эрон, Туркия ва Афғонистондир. Шу боис, транспорт транзити соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш жуда муҳим саналади.

Ҳамкорлигимизнинг яна бир йўналиши — савдо-сотиқ. Бугунги кунда аъзо давлатларнинг биргина нефть савдоси бўйича ўзаро улуши атиги 8 фоизни ташкил этади. Бу, масалан, Европа Иттифоқи ва бошқа тузилмалар кўрсаткичларига нисбатан анча паст. Бизда ИХТга аъзо давлатлар билан минтақалараро савдо ҳажмини кўпайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган улкан салоҳият мавжуд. Бундан ташқари, экология, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш каби соҳа-

ларда ҳамкорлик фаоллигини талаб этади. ИХТнинг деярли барча мамлакатлари сув ресурслари, чанг-тўзонлар, чўлланлиш, ер деградацияси борасида катта босимни ҳис қилмоқда. Яъни бу ташкилотга аъзо давлатлар учун ҳам ғоят долзарб масалага айланган. Шу боис, 2021 йилда Президентимиз умумий муаммоларни муҳокама қилишимиз ва амалий ёчимларни топишимиз учун етакчи халқаро экологик экспертлар иштирокида олиёй даражадаги эксперт платформасини яратишни таклиф қилди.

Абдурашид БОЗОРОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази шўъба мудири:

— Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг асосий мақсадлари, асосан, аъзо мамлакатларда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, прогрессив иқтисодий-иқтисодий ривожланишга эришиш, қоплаверса, уларнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишида амалий ёрдам бериш ҳисобланади.

Ташкилот доирасида минтақавий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари транспорт логистикаси, савдо ва инвестиция, энергетика, минерал ресурслар, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ҳамда таълимни ривожлантиришдир.

Унинг асосий устунилиги аъзо давлатларда ярим миллиарддан ортиқ аҳоли истикомат қилиши. Бу жуда катта бозор. Қоплаверса, унинг ҳудуди минерал хомашё ва табиий ресурсларга бой. Уларнинг захира-сини инobatта оладиган бўлсак, бу борада ҳамкор давлатлар улкан истиқболга эга.

Ушбу давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти 2022 йилда 2 триллион долларни ташкил қилди. Улар ҳиссасига тўғри келадиган савдо айланмаси ҳажми 1 триллион доллардан ошганда. Ўзбекистон билан ташкилотга аъзо давлатлар товар айлан-маси ҳажми 2021 йилда 35,1 фоиз ошиб, 11,2 миллиард долларни ташкил этди.



Ушбу тенденция 2022 йилда ҳам давом этиб, товар айирбошлаш 10,4 фоиз ортиб, қарийб 12,4 миллиард долларга етди.

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги товар айланмасининг тўртдан бир қисми, экспортнинг учдан бир қисми ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон учун Ўрта ер денгизи, Форс ва Ҳумон кўрфазидан денгиз йўлларига кириш имконини кенгайтиради. Бу орқали ўзаро савдо-инвестиция алоқалари янада мустаҳкамланади.

Баҳром СОТИБОЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи:

— Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити минтақа равнақи йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди, дейишга асослар етарли. Чунки бу орқали ҳозирги геосийёсий, геоектисодий вазиятда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида янги иқтисодий алоқалар, янги транспорт логистикаси масалалари, “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш бўйича ҳамкорлик янги босқичга қўйилди.

Ҳозир дунёда геосийёсий, геоектисодий муносабатлар кескинлашиб борапти.

Бундай шароитда минтақада барқарорлиқни таъминлашга эътибор қаратилиб, савдо-иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, ўзаро ишонч ортаётгани диққатга сазовор. Бу эса аъзо мамлакатлар манфаатига дахлдор улкан лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратяди.

Ҳар қандай қийинчилик ва дунёдаги геосийёсий вазиятларга қарамай, Марказий Осиё ва ташкилотга аъзо давлатлар биргаликда янги саноат кооперацияларини йўлга қўйиши, транспорт логистикаси лойиҳаларини юзага чиқариши, янги молиявий-инвестициявий лойиҳалар, умуман, ўзаро борди-келди, олди-сотиқи муносабатларини ривожлантириши муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, транспорт логистикаси ҳусусида гап кетганда, Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи Термиз — Мозори Шариф — Пешовар темир йўли ёки Марказий Осиё — Афғонистон — Эрон, Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидан ўтувчи транспорт коридорларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки мазкур йўллар ташкилотга аъзо мамлакатлар равнақида алоҳида ўрин тутяди.

Тўғри, дунё зиддиятли ва бундан кейин ҳам холи бўлмайди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ташкилот доирасидаги ҳамкорлик аҳамияти ортиб бораверади.

Афзалхон ОРТИҚОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими:

— Бугунги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги устувор йўналишларига мос келади. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг деярли барчаси билан Ўзбекистон стратегик шерикчилик муносабатларини ўрнатган.

Авалло, Марказий Осиё, яъни қўшни давлатлар билан ҳамкорлик сўнгги олти йилда фаоллашиб, алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бу, хусусан, сиёсий ва иқтисодий нуктаи назардан жуда катта аҳамиятга эга омил.

Ўзбекистон юридаётган янгиланган ташқи сиёсат натижасида Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлар иқтисодий томонга ўзгарди. Дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожланди. Ишонч кучайди.

Ўзбекистоннинг прагматик савий-ҳаракатлари туфайли узоқ йиллар ҳал бўлмаган муаммолар ечимини топди. Минтақа барқарорлик маконига айланди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиздаги ислохотларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозир Марказий Осиёда қузатилаётган жараёнлар Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолияти учун ҳам муҳимдир.

Бундан ташқари, Озарбайжон ва Покистон билан муносабатлар янада ривожланиши, Туркия ҳамда Эрон билан ҳамкорлик мустаҳкамланиши мамлакатимиз савдо-иқтисодий алоқаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Туркия, Эрон ва Покистон тузилманинг асосчилари ҳисобланади. Улар технологик, инвестициявий ва иқтисодий салоҳияти жуда юқори давлатлар. Уларнинг бу имкониятини Ўзбекистон ўз саноатини ривожлантиришга жалб этади.

Ҳозир ИХТ етакчи қатнашчилари, яъни Туркия, Эрон ва Покистон Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар йўналтирмоқда. Жумладан, Туркия мамлакатимизнинг йирик инвестицион ҳамкоридир. Охириги йилларда ушбу давлат юртимиз иқтисодиётига 3,5 миллиард доллар сармоя киритган.

Умуман, Ўзбекистонда ташкилотга аъзо давлатлар капиталли билан 4 миңдан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Ташкилот давлатлари умумий тарих, маданият ва динга эга ярим миллиард аҳолини бирлаштирган йирик савдо бозори ҳисобланади. Ўзбекистоннинг улар билан савдо айланмаси 2023 йил январь-сентябрь ойларида 9 миллиард доллардан зиёдни ташкил этди.

Ёрқин МАЛИКОВ,
Ўзбекистон экспортчилар уюшмаси раиси:

— Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг 600 га яқин вакили иштирокида бизнес форум ҳам ташкил этилди. Бу ўзаро таъриба ва фикр алмашиш, ҳамкорлик юзасидан келишувларга эришиш, манфаатли шартномалар имзолаш учун қулай шароит яратди.

Аслида, тадбиркорлар учун қўшни мамлакатлар алоҳида аҳамият касб этади. Яъни ишни ташкил этиш, ташқи бозорларга чиқишда ён-атрофдаги давлатлар билан алоқалар муҳим. Кейинги йилларда Ўзбекистон юридаётган яқини қўшничилик сиёсати бизнес вакиллари учун айни шу жиҳатдан қўл келмоқда.

Бизнес форум давомида кўрдики, аъзо давлатлар тадбиркорларининг юртимиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиш иштиғи кучли: муносабатлари янада мустаҳкамлаш, лойиҳаларни биргаликда рўёбга чиқариш ниятида. Пировадидда, улар томонидан 1,5 миллиард долларлик шартномалар имзоланди. Булар, табиийки, юртимизда бизнес муҳити тобора яхшиланаиб бораётгани, ишбилармонларга қулай иш шароити яратиб берилаётгани самарасидир.

Бизнес форум, шунингдек, бизга бозорларни таҳлил қилиш, экспорт-импорт имкониятларини ўрганиш учун ҳам қулай майдон бўлди. Муносабат ва ҳамкорлик ана шундай ўрганишларга асосланади.

Абдурахмон ҲАКИМОВ,
тадбиркор:

— Ўн йил логистика соҳасида ишлаганман. Кейин агропекстерда экспорт бўйича фаолият юритганман. Жорий йил бошида эса мева-сабзавот, қурилиш ва музлатилган мева экспорти билан шуғулланувчи корхона ташкил қилдим. Демокчилик, тадбиркорлик борасида етарлича таърибага эгаман.

Ўзбекистоннинг мева-сабзавот етиштириш бўйича салоҳияти юқори ва уларга хориж бозорларида талаб катта. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда Малайзия ва Россияга ўрик, гилос, олча каби маҳсулотлар экспорт қилдик.

Ҳозир биз, тадбиркорлар денгиз йўли орқали маҳсулотларимизни янги бозорларга олиб чиқишга интиляпмиз. Шу жиҳатдан тадбир биз учун фойдали бўлди. Ўзим эронлик, туркменистонлик, туркиялик ва тожикистонлик тадбиркорлар билан ушбу масалада мулоқот қилиб, келишувларга эришдим.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
ёзиб олди.

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТУФАЙЛИ ИХТ РИВОЖЛАНИШ УЧУН ЯНГИ КУЧ ОЛМОҚДА

ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАР ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН 16-САММИТИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА

8-9 ноябрь кунлари Тошкентда “Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тарақиёт сари” шиори ostида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Тадбирга Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислик қилди. Унда Озарбайжон, Эрон, Қозғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди.

Саммит арафасида Тошкентда ташкилотга аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ва ҳукумат вакиллари иштирокида бизнес форум бўлиб ўтди.

Тошкентда илк бор бўлиб ўтган ушбу тадбир халқаро майдонда катта акс садо берди. Саммит яқунлари халқаро эксперт доира вакиллариининг юқори қизиқишига сабаб бўлаётир.

Жан-Антуан ДЮПРА,
Европада прогноллаш ва хавфсизлик институти эксперти, Ўзбекистон бўйича мутахассис (Франция):

— ИХТ Европа Иттифоқи мисолида савдонинг рағбатлантириши, ягона товар ва хизматлар бозорини вужудга келтириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга интилади. Ушбу улкан ҳудудий тузилмада Ўзбекистоннинг ролини ошириш Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи иқтисодий стратегиясига тўлиқ мос келади. ИХТ давлатлари республиканинг асосий савдо ҳамкорларига айланди. 2022 йилда Ўзбекистон ва ИХТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12,3 миллиард доллардан ошди. 2023 йилнинг январь-июль ойларида эса 5,8 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистоннинг ИХТга раислиги бошланган 2022 йилдан буюн қўллаб-сохаларда 25 дан ортиқ тадбир ташкил этилди. Масалан, 2022 йил июль ойида Тошкентда ИХТга

аъзо давлатлар қишлоқ ҳўжалиги вазирларининг 7-йиғилиши, 2022 йил декабрда туризм вазирларининг тўртинчи йиғилиши, 2023 йил январда эса ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашиининг 26-йиғилиши бўлиб ўтди.

Шу нуктаи назардан, ИХТнинг Тошкентда илк бор ўтган 16-саммити ташкилот тарақиётининг янги босқичи ва улкан истиқболларини кўрсатади.

ИХТ Марказий ва Жанубий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ ўртасида савдо ва сармоявий имкониятларни ривожлантириш ва рағбатлантиришга ёрдам берувчи ташкилотга айланмоқда.

Ўзбекистон ИХТ доирасида автомобиль ва темир йўл транспорти инфратузилмасига, минтақалараро транзит узелларини яратишга, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштиришга, хусусан, рақамлаштиришнинг жорий этишга, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни, Афғонистонга қўмақчи қўчайтириш, бу давлат билан биргаликда турли соҳаларда йирик лойиҳаларни амалга оширишга сармоя киритиш тарафдори.

Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ,
Анкара иқтироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази — “ANKASAM” (Туркия) директори:

— Аввало, минтақавий ҳамкорлик бўйича муҳим ташкилот — ИХТ саммитига Ўзбекистон илк бор мезбонлик қилаётганини таъкидлаш лозим.

Ташкилотдаги фаолияти мамлакатнинг қўл киралли ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у ўзаро муваффақият, конструктив дипломатия, тинчлик ва фаровонлик тамойилларига асосланган.

Халқаро майдонда иқтироз ва муаммолар қучайиб бораётган бир пайтда мазкур саммит “глобал тинчлик”, “глобал тарақиёт ва фаровонлик”, “глобал барқарорлик ва хавфсизлик” мақсадлари доирасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган.

Шу нуктаи назардан қараганда, Марказий Осиёнинг юраги бўлган Ўзбекистон минтақавийлик катта аҳамият касб



этган янги халқаро муҳитда яна бир бор ҳамкорлик, дўстлик ва цивилизацияларнинг муҳим чорраҳаси сифатида намоён бўлмоқда.

Эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган яна бир муҳим жиҳат шундаки, ушбу тадбир Уччинчи Ренессанс даври мезмори бўлган Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев бошчилигида юксак савияда ўтказилди.

Саммит кун тартибидаги масалалар нақадар долзарб эканини кўрдик. Бунга аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлиқни яхшилаш, минтақавий савдо, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқалар киряди. Саммитда Фаластин — Исроил муаммоси ва Фаластинга гуманитар ёрдам кўрсатиш каби долзарб мавзулар ҳам муҳокама қилинди. Бу сигналлар инсон кадр-қимматиға қаратилган юксак цивилизациянинг муҳим марказларидан бири бўлган Ўзбекистондан келаётгани жуда муҳим.

Суялеҳ ФАРУКИ,
Покистон савдо вазирининг биринчи уринбосари:

— Покистон томони Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил 8-9 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган саммитига пухта ҳозирлик қурди.

Ўзбекистон ИХТ тарихида биринчи марта, муболагасиз, ташкилотни иштирокчи давлатлар учун савдо-иқтисодий, сармоявий ва сиёсий ҳамкорлик ташаббусларини илгари суришнинг ҳақиқий востисига айлантира олди.

Бу, шубҳасиз, глобал геосийёсий қарама-қаршилиқларнинг мураккаб даврига қарамай, Европа давлатлари ва глобал жануб мамлакатлари билан узоқ муддатли ҳамда яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг улкан хизматидир.

Мазкур саммит доирасида 1-2 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ИХТга аъзо давлатлар транспорт вазирлиқлари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Покистондан коммуникациялар ва темир йўллар вазири Шайхид Ашраф

Тарар ва темир йўллар вазирининг биринчи уринбосари Саййид Мазҳар Али Шўх иштирок этди. Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳмамов билан учрашувда трансфер темир йўли қурилишини жадаллаштириш, халқаро логистика компаниялари ҳайдовчилари учун ўзаро квоталар миқдорини ошириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва мамлакатларимиз ва Афғонистон орқали транзит ташини масалалари келишиб олинди.

8 ноябрь куни ИХТ саммити доирасида илк бор савдо ва сармоявий лойиҳаларни илгари суриш бўйича бизнес форум ўтказилди. Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси раиси ўринбосари Амжад Рафи бошчилигида мамлакатимизнинг тўқимачилик, қимё, қурилиш материаллари, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги 20 га яқин йирик компания вакилларида иборат делегацияси ушбу тадбирда иштирок этди.

Уйлайманки, ИХТнинг Тошкентда бўлиб ўтган саммити мазкур ташкилотнинг янада ривожланишига хизмат қилади ва унга муҳим рол, аҳамият ва халқаро нуфуз беради.

Вита КОБИЭЛА,
Европа Иттифоқи-Марказий Осиё муносабатлари бўйича мустақил таҳлилчи, COTANEC агентлигининг лойиҳалар ва коммуникациялар бўйича менежери (Бельгия):


— Тошкент Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммитига мезбонлик қилиш асосида яна бир бор минтақавий ҳамкорлик марказига айланди.

Мазкур воқеа ва унинг натижалари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни, ўзида чўқур тарихий мерос ва инновацияларга интилишини муҳассам этган мамлакатнинг ўрни ортиб бораётганидан аққол далолатлидир.

500 миллион кишилиқ бозорга эга Озарбайжон, Эрон, Покистон, Туркия ва Марказий Осиёнинг бешта мамлакатаи давлат ва ҳукумат раҳбарларининг мазкур форумдаги иштироки ИХТ доирасида илгари сурилган ва муҳокама қилинган ташаббусларга халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу, айниқса, Ўзбекистон ташаббуслари тааллуқлидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ЮНИДО ва СТЕКА билан биргаликда ИХТ доирасида Савдо, инвестиция ва инновациялар марказини ташкил этиш ва унинг бош офисини Тошкент шаҳрида жойлаштириш таклифи минтақавий иқтисодий ривожланиш тарихида янги саҳифа очмоқда. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг динамик ҳусусиятини акс эттирувчи ушбу таклиф Марказий Осиёни глобал сармоя ва технология алмашинув майдонига айлантириши мумкин.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,3



миллиард доллардан ошган Ўзбекистон ўзини ИХТдаги асосий иқтисодий ҳамкор сифатида ва минтақда савдо ҳамда сармоявий алоқаларни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини кўрсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорликдаги муваффақият бутун минтақа учун инновациялар ва ривожланишнинг драйвери бўлиб хизмат қилувчи 4400 га яқин қўшма корхона ташкил этилиши билан бирга келади.

Ўзбекистон турли халқаро ташкилотлардан ИХТ ҳузуридаги кузатувчиларни олиқлаш, қўл томонлама мулоқотга содиқлигини ва халқаро тамойилларга ҳурматини намойиш этди. Бу дунё тобора ўзаро боғлиқликка таъниб бораётгани ва ҳар бир овоз тинглашга лойиқ эканини чуқур англашдан далолат беради.

ИХТнинг “Истиқболлар — 2025” дастури Ўзбекистон ва унинг ҳамкорлари олдиға савдо, транспорт, энергетика ва атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган улкан мақсадларни қўйди. Бу Ўзбекистон ўзгаришлар каталогизатори ролини ўйнайдиган минтақа учун барқарор ва фаровон келажак яратишга қаратилган стратегик ёндашувдир.

Табиий ресурслар ва маданий меросга бой ўзбек замини меҳмондўстлик ва маданий алмашинув маркази сифатидаги ролини яна бир бор тасдиқлади.

Тошкентда бўлиб ўтган саммит нафақат “ақллар” учрашуви ва фикр алмашши, балки ўзбекларнинг очкилиги ва анъаналари байрами бўлиб, дипломатия ва дўстона муносабатлар иқтисодий ўсиш ҳамда инновациялар билан ёнма-ён туришини намойиш этди.

Шеродил БАКТИГУЛОВ,
Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Миллий стратегик тадқиқотлар институти илмий ходим, сиёсатшunos:

— Тошкент дунёнинг муҳим ташқи сиёсий воқеалари марказларидан бирига айланиб бормоқда. ИХТга аъзо давлатлар биргаликда яшашнинг минг йиллик тарихига эга. Бугун улар кенг ривожланиш соҳаларида “соатларни тўғрилаб” олдилар.

ИХТ қўл жиҳатдан Ўзбекистон ташаббуслари туфайли янги ривожланиш энергиясига эга бўлмоқда. Бугун Ўзбекистон Осиё, Яқин Шарқ ва Европанинг транспорт ва энергетика артериялари туташадиган жойга айланди.

Янги Ўзбекистон — Осиёдаги энг жадал ривожланаётган иқтисодиётга эга давлат. Бундан ташқари, иқтисодий нуктаи назардан, 36 миллион аҳолиси борлиги мамлакат бугун собиқ иттифоқ ҳудудида иккинчи йирик истеъмол бозори эканини аниқлатади.

Бу ва бошқа омиллар уйғунлиги Ўзбекистонни хорижий инвестициялар оқими бўйича “биринчи рақамли”га айлантиради. Шундай экан, янги Ўзбекистон ИХТ фаолиятида асосий ўрин тутяди.

Транспорт-энергетика йўлақларини яратиш, бизнес, энг муҳими, Марказий ва Жануби-шарқий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари фаровонлиги, ИХТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиши қўл жиҳатдан Ўзбекистоннинг позицияси ва ташаббусларига боғлиқ.



Сон ЧЖУАНЧИ,
Хитой Иқтисодий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий О

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ: ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАР ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Президенти Сержо Маттарелла 9-11 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Италия Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 24 мартда ўрнатилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8-9 июнь кунлари Италияга расмий ташрифи Ўзбекистон — Италия кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Италия Президенти Сержо Маттарелла, Бош вазир Жоржа Мелони, ушбу мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлари вакиллари билан самарали музокаралар ўтказди. Ташриф якунлари бўйича икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация қабул қилинди ҳамда кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган 11 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатлар сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка янги рух ва кучли туртки беради.

Ўзбекистон ва Италия БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Италия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда шериклик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги сазой-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, шунингдек, Италия — Марказий Осиё ҳамкорлик форматини янада ривожлантириш тарафдори.

Бугунги кунга қадар икки давлат ўртасидаги муносабатларда ҳамкорлиқни

мувофиқлаштириш учун барча зарур институционал механизмлар яратилган ва улар муваффақиятли ишламоқда. Икки давлат ташки сиёсат идоралари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиб, уларда икки томонлама ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари муҳокама қилинаётир. Шунингдек, савдо-иқтисодий, саноат ҳамкорлиги ва экспорт кредитлари бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳ самарали фаолият кўрсатяпти.

Икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. 2011 йилдан буён Италия парламенти Депутатлар палатаси ва Сенати билан ҳамкорлик қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидан парламентлараро гуруҳлар фаолият юритяпти. Шунингдек, Италия парламентида Италия — Марказий Осиё дўстлик гуруҳи тузилган.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ўртасидаги идоралараро ва ҳудудлараро ҳамкорлик янги суръат касб этаяётир.

Ўзбекистон ва Италиянинг муносабатларини чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлиги савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг бугунги динамикасини белгилаб беради.

Италиялик инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқишини давлатимиз раҳбарининг июнь ойидаги ташрифи арафасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг

300 га яқин вакили иштирокида ўтказилган қўшма бизнес форум якунлари, шунингдек, Миланда Президент Шавкат Мирзиёев ва ушбу мамлакатнинг йирик компаниялари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам тасдиқлайди.

Бизнес форум якунлари бўйича энергетика, газ химёи ва нефть-газ саноати, металлургия, кимё, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи умумий қиймати 9 миллиард евродан ортиқ бўлган инвестиция ва савдо битимлари имзоланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Италия капиталли иштирокидаги 52 та корхона фаолият кўрсатади. Улардан 33 таси қўшма ва 19 таси эса тўлиқ Италия сармояси асосида ташкил этилган. Италиянинг олтинта компанияси офислари, шунингдек, Италия — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги аккредитациясидан ўтган. Уларнинг асосий фаолияти йўналишлари заъфарон, алкогосиз ичимликлар, вино, шиша аксессуарлар, парфюмерия, музаймоқ, тўқимачилик, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пахта чиқиндиларини қайта ишлаш, савдо-сотiq ва воситачилик хизматларидан иборат.

Энг қулай давлат режими Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги савдода қўлланилади. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро товар айырбошлаш ҳажми қарийб 390 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Икки давлат тадбиркорларининг ҳудудлараро ҳамкорлиги кенгаймоқда. Хусусан, Тошкент вилояти ва Италиянинг Ломбардия минтақаси ўртасида коммунал инфра-тузилма, кимё, саноат, қишлоқ хўжалиги

ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқилди.

“Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасидаги кўприк, шериклик нуктаи назаридан стратегик давлат, улкан салоҳиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишида иштирок этишни истаймиз ва кўп томонлама муносабатларимизни чуқурлаштиришга тайёриймиз. Тадбиркорлар илғор технологиялар ва юқори сифатли якуний маҳсулотлар таклиф этувчи ҳамкорликка тайёр. Биз икки томонлама ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун кўмак берамиз”, деди Италия ташки ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазир ўринбосари Эдмондо Чириелли жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган бизнес форумдаги нутқида.

Ўз навбатида, бугунги кунда Ўзбекистон италияликлар бизнесини кенг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ва уларнинг мамлакатимиздаги фаолияти учун самарали платформа яратишга тайёр.

Икки мамлакат халқлари ўртасидаги чуқур тарихий илдизларга бориб тақаладиган маданий-гуманитар алоқалар, илиқ дўстона муносабатлар Ўзбекистон — Италия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буюк ипак йўли даврида Рим ва Моваро-уннаҳр ўртасида маданий алмашинувлар йўлга қўйилган бўлиб, фаол савдо-сотiq қилинган. Хусусан, юртимиздаги археологик қазишмалар давомида илдизлари Римга бориб тақаладиган артефактлар аниқланди. Масалан, эски Термиз харабалари остидан императорлар Траян ва Марк Аврелий даврига оид юзлаб қумуш тангалар, нафис мармардан ишланган ҳайкалчалар қолдиқлари ва Рим худolari тасвирлари

туширилган ноёб ашёлар топилди. Ўрта ер денгизи ва Марказий Осиё минтақалари ўртасида савдо алоқаларидан ташқари дипломатик муносабатлар ҳам ривожланган. Римга кушонлар, хоразмийлар ва туркийлар элчилари бир неча бор ташриф бўюрган. Муносабатларнинг энг гуллаган онлари Амир Темур ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Ўша пайтда Шарққа экспедиция билан ташриф бўюрган венециялик савдогарлар ўз таржimaiи ҳолларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарлар — Бухоро ва Самарқанднинг гузаллиги ҳамда улугворлигини юқори баҳолаган.

Бугунги кунда икки мамлакат олимлари мазкур маданиятлар тарихи ва меросини чуқур ўрганмоқда, ўзаро тажриба ва тадқиқот натижаларини алмашмоқда. Неапол ва Римнинг Сапиенца университетлари билан ҳамкорликда “Ўзбекистон маданий мероси Италия тўпламларида” китоби нашр этилиши мазкур йўналишда ўзаро ҳамкорлиқнинг ёрқин натижаларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Италияга жорий йилдаги расмий ташрифи доирасида мамлакатларимиз ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Ҳужжатда мазкур соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари ва янги йўналишлари белгилаб берилган. Ташриф доирасида мамлакатларимиз ўртасида 2026 йилгача бўлган даврга мўлжалланган янги маданий алмашинув дастури ҳам имзоланди.

Утган йиллар давомида Ўзбекистон ва Италия ўртасида таълим, туризм, маданият ва санъат, спорт ва археология соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда италян тилини ўргатиш бўйича курслар фаол ишламоқда. Тошкентда Турин политехника университети ва Пиза университетининг филиаллари фаолият юритмоқда. Айни пайтда ушбу олий таълим муассасаларида 700 дан ортиқ талаба тахсил олади.

“Эразмус+” дастури орқали Италиядаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик кенг ривожланипти. Рим ва Тошкент алоқалари инновациялар ва ёшлар тадбиркорлиги соҳаларини ҳам қамраб олган. Ҳозир Ўзбекистонда ёшлар ўртасида стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма дастурини ишга тушириш имконияти кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси ва Италия Миллий тадқиқот кенгаши ўртасида 2021 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасидаги ҳамкорлик изчил давом этапти.

Ўзбекистон Миллий павильони, учинчи йилдирки, Венеция халқаро архитектура биенналесининг италиялик ва хорижий меҳмонлари орасида катта муваффақиятга эришмоқда.

Икки давлат ўртасида сайёҳлар оқимини ошириш бўйича ижобий натижалар кўзга ташланаётир. Жумладан, 2022 йилда Ўзбекистонга италиялик 9 мингга яқин сайёҳ келди. Бугун Италия Европанинг Ўзбекистонга сайёҳлари фаол ташриф бўюрадиган бешта давлатидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Италия ўртасида эришилган ўзаро англашув ва шериклик даражаси сиёсий, иқтисодий ва маданий мулоқотни муваффақиятли давом эттириш ҳамда икки давлат ҳамкорлигини ривожлантиришда янги уйғониш даврининг бошланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиляпти. Шу нуктаи назардан, Италия Президенти Сержо Маттарелланинг Ўзбекистонга ташрифи бу жараёнга яна бир кучли туртки бўлиб, томонлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва стратегик шериклиқни ҳар жиҳатдан кенгайтириш ва чуқурлаштиришга интилишнинг яққол тасдиғи бўлади.

“Дунё” АА

БАНДЛИК

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ:

ЯНГИ ТАЖРИБА ҚАНЧАЛИК НАТИЖА БЕРАДИ?

Зарур кўмак олиб иш бошлаганларнинг аксарияти атрофдаги бошқа ишсизлар бандлигини ҳам таъминлаётгани, айниқса, қувонарли. Яъни биз бир кишига ёрдам бериш орқали ўнлаб инсоннинг ишли бўлишига ҳисса қўшяпмиз.



Салоҳиддин САМАДОВ,
Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижрочи директори

Ишсизлик, камбағаллик жамият учун жиддий муаммо. Аммо бокимандалик янада ёмонроқ. Тўрт мучаси соғ, меҳнатга лаёқатли бўла туриб, “берсанг ейман, урсанг ўламан”, қабилида яшаш ўзбек халқига хос эмас. Бизнинг ота-баболаримиз қандай меҳнат бўлмасин, астойдил ёндашиб, албатта, натижага эришган. Қолаверса, ҳар қандай ишни яхши ният, меҳр билан қилган, ўрганишдан тўхтамайдиган инсон кун келиб, униб-ўсиши, ривожланиб, даромад манбаини кенгайтириши тайин.

Бугун мамлакатимизда вақтинча ишсиз, кам таъминланган ёки имконияти чекланган инсонларни жамоат ишларига жалб қилиш орқали меҳнатга муносиб ҳақ тўланадиган тизим яратилди. Бу аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, нафақат ободонлаштириш, балки хизмат кўрсатиш, қурилиш, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, қорванаси тармоғини ривожлантириш соҳаларидан тортиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига патронаж хизмати кўрсатиш, тадбиркорликни бошлаш ва қатор йўналишларда ишсиз ҳамда банд бўлмаган фуқароларни вақтинчалик, малака талаб қилмайдиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилишни назарда тутди.

Чунки ҳар қандай тоифадаги аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий даромадга эга бўлишига қўмаклашиш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Ишли одамнинг кўнгли тўқ, оиласида тинчлик ва фаровонлик бўлади. Қолаверса, аҳоли бандлиги иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис, юрдошларимиз даромадини ошириш, аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этиш каби қатор муҳим вазифалар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам белгилаб қўйилган.

Афсуски, жамиятда ҳамма ҳам олий маълумот ёки бирор касб-хунарга эга эмас. Маълум сабабларга кўра, вақтинча ишсиз қолганлар ҳам ораимизда бор. Охириги 5-6 йилда жамоат ишларига жалб этиш тизими кам таъминланган оилалар, ишсиз хотин-қизлар, ёшлар, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг бандлигига қўмаклашишда муҳим ўрин тутаяётгани боиси шунда. Айниқса, ойлиқнинг ўз вақтида берилиб, тизимда шифофликнинг яратилгани муҳтож оилаларга қўмак бўляпти, одамларнинг жамоат ишларига қатнашиб, даромад топишга ишончи ортмоқда.

Тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир одамнинг маоши мунтазам етказиб берилишида эса Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси бевосита масъулдир. Бугунги кунгача жамоат ишларига жалб этилаётган юрдошларимизнинг иш ҳақлари жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириб келинмоқда.

Ҳар бир маҳаллада тадбиркорлар бўлиши керак

Ҳозирги кунда одамларда нафақат кунлик ишларда меҳнат қилиб даромад топиш, балки бирор йўналишда ўз тадбиркорлигини бошлаб, ишбилармонга айланиш иштиёқи юқори. Бу иштиёқни рўёбга чиқариш учун эса юртимизда зарур шароит яратган. Тадбиркор бўлмаган, деган инсонга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, аксинча, қатор ташкилотлар томонидан фавқат қўмак, қўллаб-қувватлов бор. Жамоат ишлари жамғармаси ҳам улардан бири.

Яъни ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, одамларни тадбиркорликка йўналтириш, ўз ишини бошлаб, фаолиятини кенгайтиришига қўмаклашиш жамғарманинг муҳим вазифалари қаторига киради. Масалан, жамғарма маблағлари ҳисобидан дастлабки ишни бошлаш учун зарур бўладиган минчи техника, инвентарлар харид қилиниб, фойсиз ижара асосида бериш йўлга қўйилган. Биргина жорий йилнинг тўққиз ойида умумий қиймати 9,7 миллиард сўмлик минг донна асосий восита ва инвентар харид қилиниб, тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Улар орасида тикув машиналари, мотокультиватор, минчи ускуналар бор. Ижарага берилган инвентарлар орқали қарийб 2 минг ишсиз фуқароннинг бандлиги таъминланди. Уларнинг кўпи ижтимоий дафтарлар рўйхатида турган. Бу инсонларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши ортидан юзлаб оилаларга хотиржамлик ингани шубҳасиз.



Зарур кўмак олиб иш бошлаганларнинг аксарияти атрофдаги бошқа ишсизлар бандлигини ҳам таъминлаётгани, айниқса, қувонарли. Яъни биз бир кишига ёрдам бериш орқали ўнлаб инсоннинг ишли бўлишига ҳисса қўшяпмиз. Хусусан, Андижон вилоятидаги “Rizq invest max” МЧЖга 50 та тикув машинаси ижарага берилиши ортидан шунча хотин-қиз ишли бўлди. Шу ҳудуддаги “Mahbubaxon 2008” МЧЖга 66 та, Навоий вилоятидаги “Gulnoz Tosh” ХКга 15 та, Сирдарё вилоятидаги “White dream-777” МЧЖга 15 та, Тошкент шаҳридаги “Моҳир Техарт” МЧЖга 50 донна ва бошқа қўллаб текстил корхоналарига тикув машиналари ижарага берилган, уларнинг иш фаолияти янада кенгайди, бунинг ортидан қўшимча иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлар ўз маҳсулотини ички бозордан ташқари хориққа ҳам экспорт қиляпти. Жумладан, пойтахтимизнинг “Як-касарой” туманида жойлашган “World kids fashion” МЧЖга 62 та тикув машинаси ижарага берилган эди. Корхона бунинг ҳисобига 82 фуқаро бандлигини таъминлаб, 46 оиланинг камбағалликдан қиқшишга қўмаклашди. Айни пайтда корхонада болалар ва аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқариляпти. Йиллик қувват 18 минг донга етди. Россия давлатига 1,8 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Сирдарё тажрибаси оммалаштирилади

Аҳоли билан ишлаш, фуқаролар бандлигини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни алоҳида. Юртимизда яқин йилларда яратилган ва ҳақонда муқобили топилаётган “Маҳаллабай ишлаш” тизими бу борада, айниқса, муҳим институтга айланди. Аҳолининг яшаш шароити ва мавжуд муаммолари шу тизимнинг ўзида ўрганилиб, зарур ечимлари топиляпти. Маҳаллалар мамлакатимиздаги деярли барча давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб, ҳар бир фуқаро бандлигини таъминлашга интилоқда.



Шу мақсадда жорий йил апрелидан Сирдарё вилоятида тажриба сифатида янги дастурлар ишга тушди. Аҳолини камбағалликдан чиқариш ва бандлигини таъминлашга қаратилган “Обод маҳалла — обод хонадон” дастури қисқа муддатда йўлга қўйилди. Дастур доирасида 2,5 мингта яқин бепулрак кетмон ва мотокультиватор харид қилиниб, туман (шаҳар) камбағаллиқни қисқартириш бўлимига балансига ўтказиб берилди.

Банд бўлмаганлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Хусусан, апрель-июнь ойларида 2 минг 151 фуқаро маҳаллаларни ободонлаштириш ишларига қатнашиб, иш жойи ва даромад манбаига эга бўлди. Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси томонидан 11 туман (шаҳар)да 11 та гуруҳ ташкил этилди. Уларга маҳаллалардаги қурилиш, таъмирлаш, ва ободонлаштириш ишларида кўнжика ҳамда малакаси бўлган 175 нафар ишсиз жалб қилинди.

“Обод кўча — обод хонадон” дастури ҳам мазкур вилоятда тажриба тариқасида бошланган эди. Лойиҳа доирасида Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча 266,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Шундан сўнг “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида вилоятнинг 239 маҳалласида ободонлаштириш ва қўқалмазорлаштириш, томорқалардан

фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди.

Айни пайтда ушбу дастурлар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Сирдарё тажрибасини ҳудудларга кенг тарғиб қилиш, уйма-уй юриб аҳолининг оғирини енгиш қилиш, юзга келган муаммоларини ўша жойда ҳал этиш қўзланган.

Юртимиздаги 56 маҳаллада “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш ишлари бошланган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан буюртмалар қабул қилиниб, белгиланган маҳаллаларда уч ой давомида 50 нафардан ишсиз ва банд бўлмаган фуқарони ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, уларнинг ойлик иш ҳақини жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, техник воситалар билан таъминлаш, асосий восита, минчи ускуналар, инвентарларни ижара асосида бериш чоралари қўрилмоқда.

Бундан ташқари, барча ҳудуддаги биттадан маҳаллани камбағалликдан чиқаришни мақсад қилганимиз. Яъни бу борада иш ишлар аниқ манзилларга йўналтирилган ҳолда, янги тажриба, дастурлар асосида амалга ошириляпти. Мақсадимиз белгиланган муддатларда керакли натижага эришиш ва янги тажрибани барча ҳудудларда кенг жорий этишдан иборат.

Хитой тажрибасининг самарадорлиги нимада?

Бу борада халқаро тажрибаларни ҳам қўллаяпмиз. Асосий ҳамкор давлатларимиздан бири эса Хитой. Жорий йил ёзида жамғармаимиз делегацияси ушбу мамлакатда бўлиб, камбағаллиқни қисқартириш бўйича Хитой тажрибасини ўрганиб қайтди. Ушбу тажрибани юртимизда татбиқ этиш бўйича таклифлар ҳам ишлаб чиқилган.

Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майда ўтказилган йигилишдаги топшириқлари билан Хитой тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда биттадан тумани камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда, камбағаллик юқори туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштириш вазифалари қўйилган.





ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

Италиядаги халжюртимиз:

ОТА УЙИМ ТОКЧАЛАРИ — МЕНИНГ ВАТАНИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўртаер денгизи гавҳарига менгзаладиган Италияга боришни орзу қилмайдиган кишилар камдан-кам бўлса керак. Зеро, бу иқтисодий йирик давлат тарих ва бой маданиятни ўзида мужассам этгани билан ҳам диққатга сазовор. Италиянинг 60 миллионга яқин аҳолиси орасида бугун муносиб ўрин топаётган ўзбекистонликлар ҳам борлиги барчамизга гўрур бағишлайди.

Шу йил сентябрь ойида “Giornale Diplomatico” кундалик онлайн газетасида Италияда Ўзбекистон маданият маркази очилиши тафсилотларига бағишланган мақола эълон қилинди. Унда Италияда биринчи бўлиб очилган ушбу марказ Ўзбекистон фахрий консулиги тезкор штаби жойлашган “La Leopoldina”нинг янги биноси ёнида иш бошлагани айtilлди. Маданият марказига буюк аждодимиз Мирзо Улугбек номи берилди.

Марказни очиб гоёси Ўзбекистоннинг фахрий консули Леонардо Комуччи ҳамда самарқандлик аёлга тегишли экани бизда хориждаги ватандошимиз билан яқиндан танишиш истагини уйғотди.

Дубляждан уйғонган кизиқш

39 ёшли Комила Қирғизова Самарқанд вилояти Жомбой туманида оддий ишчи оиласида туғилган. Ёшлигида қайси-дир италян фильмини томоша қилади. Фильм дубляжда бир неча сонияли кечикиш бўлиб, қизча соф италянчани эшитиб қолади ва бу тил унга жуда ёқади. Ушандаёқ италян тилига меҳри тушган Комила 2000 йилда мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат чет тиллар институтига ўқишга кириди. Институтда икки йил италян тили ва маданиятидан таълим олишдан ташқари, сайёҳларга гид-таржимонлик ҳам қилди. Зеро, у италянчани яхши билибгина қолмай, таржимонликни пухта эгаллаш, халқлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатишга ҳисса қўшишни бирламчи мақсад қилганди.

Шу мақсадда 2008 йилда Италиянинг Сиена шаҳри университети (Университа пер Странieri ди Сиена) таржимонлик ва маданиятлараро медиаторлик факультети магистратурасини тамомлади.

Айни пайтда қаҳрамонимиз оғзаки синхрон ва кетма-кет таржима соҳасида Италия университетларидан бирода малака оширяпти. У Ўзбекистонда айнан ўзбек ва италян тиллари таржимаси масаласи, бу борадаги фарқ ва ўхшашликлар йўналишида докторантурада ҳам ўқишни ният қилган. Комиланинг Италиядаги ўзбек маданият маркази раҳбари эканидан ташқари бу ерда биринчи италян-ўзбек тиллари таржимони ва медиатори сифатида фаолият юритаётгани, замонавий тилда айтганда, фрилансер таржимонлик қилаётганига ҳам ўзига яраша сабаб бор.

Тез ёрдам сабаб бошланган янги фаолият

Нуфузли ташкилотда таржимон сифатида бир неча йил ишлар экан, фақат бир соҳада таржима билан чекланаётгани Комилани қониқтирмасди. Айниқса, Ўзбекистон ва Италия ўртасида турли соҳада тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлик уни бир йўналишда қотиб қолмасликка ундайверди. Тақдир тақозоси билан бир кунги ўша ерда бир юрдошимизнинг соғлиги ёмонлашиб, тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Табиийки, унга зудлик билан таржимон керак бўлади.

Шифохонадан Комилага алоқага чиқашди. Бироқ ишонасидан унга телефон орқали таржима қилишга руҳсат беришмайдди. У қандай ишхонадан чиқиб кетгани-ю, масофадан туриб, юрдошимизга ҳолисона ёрдам берганини билмай қолди. Шу воқеадан кейин бу каби ҳолатлар яна бўлиши мумкинлигини ўйлаб, фрилансер таржимон бўлиб ишлашни маъқул қурди.

— Бу юртдан узоқда яшасам ҳам унга яқин бўлишга, қўллаб соҳаларда ўрнатилаётган алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишимга имкон бермоқда, — дейди у. — Италияда чет элликларга тиббиёт соҳасида ўз тилларида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган ва 1 йилдан бери ушбу тиллар қаторига ўзбек тили ҳам қўшилишга сабабчи бўлганимдан бахтиёрман. Энди юрдошларимизга ҳам ўз она тилимизда тез ёрдам кўрсатилишига замин яратилди, бу эса керакли муолажалар ўз вақтида баҳарлилишига хизмат қилади.

Комилага Ўзбекистонда сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилиш борасида тақлифлар бўлган. Италиядаги элчихонамиз уни расмий таржимонликка олган. Ўзбекистон расмий делегацияларига Италия бўйлаб таржимонлик қилиш ўрниги икки давлат ҳамкорлигига кўпроқ қўмаклашшини тазминлайди.

Юртимиздан октябрь ойида Италияга таширф буюрган делегацияларга Флоренция ва Римда кўрсатган таржимонлик хизматлари уни танлаган ишига янада руҳлантириб юборди.



Ватандошимиз италян-ўзбек таржималари масаласида малакали кадрлар тайёрлаш керак, деб ҳисоблайди. Бу борада ҳам бир неча лойиҳа устида ишлаяпти.

— Тилларимизнинг грамматик жиҳатлари, маданиятларимиз ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда, аввало, лугатлар яратиш керак. Қолаверса, олий таълимда малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қиладиган амалий дастурлар ишлаб чиққан бўлардим, — дейди Комила.

Италянларда айрим аъналаримизни кўраман

Ўзаро суҳбатларда хориждаги ватандошларимиздан ўзлари яшаётган давлат, у ернинг халқи билан бизнинг ҳаётимиз



ўртасидаги тафовутларга қизиқамиз. Италияликлар ўзига хос маданияти, опера санъати, театр соҳасида маълуми машҳур. Улар билан бирга яшаганлар эса биз билмаган лоқал бир жиҳатни кузатишгани аён бўлади. Комила ҳам италянларнинг бизникига ўхшаш қирраларини айтиб берди:

— Европада яшовчи бошқа миллатлар каби италянлар билан ҳам ўрта-мизда яшаш тарзимиз, дунёқарашимиз, тарбиямиз ва режаларимизни амалга оширишда белгиланган ўстуворликларда сезиларли фарқ бор. Лекин уларнинг тарихига назар солсак, асрлар давомида мусулмон халқлар билан мавжуд борди-келдилар турли анъана ва маданиятлар қорилишига сабаб бўлганини кўраемиз. Масалан, Италия жанубидаги Палермо шаҳридаги жуда гўзал ва шохона қурилган масжид менга қандайдир хуш қайфият беради. Масжид тарихини билмайман, аммо уни ҳар кўрганымда, Ўзбекистонимиз кўз олдимга келади. Европадаги бошқа халқларга қараганда, италянларнинг очикқўнгиллиги, меҳ-



мондўстлиги бизнинг аъналаримизни эслатади. Бола тарбиясига берадиган алоҳида эътибори ҳам ота-боболаримизнинг бу борадаги масъулиятини, қадриятларимизни эслатади.

Хар қил Ўзбекистон ҳақида ўйласам, ҳаёлан Ватанга борсам, энг аввало, ота уйимнинг тоқчаларини кўраман. Улар менинг Ватаним, тугилиб ўсган, киндик қоним тўқилган юртимдан мангу хотирлар. Кишолқларимизнинг кенг далалари тушларимга кириди.

Фарзандларимга она тилимизда шеър ёдлатганимда, китоб мутлоасида, меҳмонларга ўзбек таомларини тортиқ қилганимда, тарихимиз, адабиётимиз, қадриятларимиз ҳақида гурурланиб гапирганимда юрт соғинчи қанбимни ўртайдим.

Миллийлигимиз мен учун юрт сарҳадларидан ташқари туриб ҳам бошқа халқлар олдига, турли тадбирларда эмин-эркин мен ўзбекман, ўзбекистонликман, деб айтишимизда намоён бўлади.

Римда Наврўз, Флоренцияда Мустақиллик байрамларимиз ўтказилади

“Ватандош” фонди ва элчихонамиз амалий ёрдами билан бир неча йиллик ҳаракатлардан сўнг Италияда ҳам юрдошларимизни йиғиб, ўзбек миллий ва маданий марказини очдик. Шу ўринда “Ватандош” фонди раҳбари Одиложон Сатторов ва фонд жамоасига алоҳида

миннатдорлигини билдириб кетсам. Чунки улар Италиянинг бюрократик тизими мураккаблиklarини енгиб, марказимизни очиш ва биномизга кўрк беришда ниҳоятда катта ёрдам кўрсатди. Шу маънода юртимизда “Ватандош” фонди ташкил этилганидан жуда мамнунман. Чет элдаги юрдошларимизга алоҳида эътибор берилиши, уларнинг юрт ҳаётидаги иштирокларини таъминлашга қаратилган бу ҳаракатни айни пайтда жуда муҳим қадам деб ҳисоблайман. Зеро, хориждаги ватандошлар ҳам салоҳияти, юртга муҳаббати билан Ватанимиз ривожига сезиларли ҳисса қўшиши мўқаррар. Хусусан, биз, Италиядаги ўзбекистонликлар қўллаб қўйишлар устида ишлаяпмиз, яна янги лойиҳалар борасида тақлифлар тушляпти. Уларни амалга оширишда “Ватандош” фонди имкон қадар қўмаклашишига ишонаман.

Марказимиз Италиянинг Чезена шаҳрида халқаро фестивалда юртимиз номидан иштирок этганида, тўғриси, кўзимга ёш келди. Таомларимиз шохли бўлиши паловни тайёрлаш бўйича маҳорат дарси ташкиллаштирдик. Миллий қўшиқлар, рақслар, хунармандлик намуналари воситасида ўзига хослигимизни тарғиб қилдик. Меҳмонларга Ўзбекистон, унинг туристик салоҳияти ҳақида гапириб, уларда ватанимизга қизиқиш уйғонганида жаннатмонанд юртимизни қанчалар севишимизни яна бир бор хис қилдик.

Иштирокимиз ташкилотчиларга гоёта маъқул бўлиб, янаги йил Генуя шаҳрида бўлиб ўтадиган, бутун Европада машҳур “Ошоҳона орқали маданият тарғиботи” фестивалига тақлиф қилиндик. Элчихонамиз билан ҳамкорликда Италияда яшовчи ватандошларимиз ва халқимизнинг италян миллиятига мансуб дўстларини жамлаб, Рим шаҳрида Наврўз ва Флоренцияда Мустақиллик байрами нишонлаш юзасидан ташкилий ишларни бошладик. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Флоренциядаги фахрий консулигига 2024 йилда Уффици галереясида Савицкий музейи “ташрифини” ташкиллаштиришга қўмаклашяпмиз. Энг қувонарлиси, жуда кўп фестивалларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш борасида тақлифлар олганмиз ва ўзимиз ҳам тақлифлар киритмоқдамиз.

Ўзбек эрталаридан италян болалари ҳам баҳраманд бўлади

Германияда яшаётган ватандошимиз Ситора Усмонова билан гаплашганимизда “Италиядаги ўзбек маданий маркази раҳбари Комила Қирғизова менга “Куёшли тон”ни Италияда ҳам таржима қилиб нашр этишни тақлиф қилди”, деган эди. Буни қарангки, Ситора Усмонова сингари Комила Қирғизова ҳам ўзга элда яшаётган ўзбек болаларининг маънавий бойлигини оширишни ўйлаб юради. Комила таржима қилган, мактаб ёшидаги болалар учун инглиз-ўзбек ва ўзбек-инглиз тиллари лугати нашр арафасида. Бундан ташқари, ўзбек эрталари тўпламларининг италян тилига таржимаси ва нашри устида меҳнат қилаётган ватандошимиз тўпламини италян мактаблари ва боччаларига кенг тарғиб этишни мақсад қилган.

Ўзбек аъналарлари ва мустақиллигимиз ҳақидаги қатор мақолалари тўпламларда ва газеталарда чоп этилган. Дарвоқе, Комиланинг ковид бўйича халқаро илмий изланишлардан ўзбек тилига таржималари мамлакатимизда кенг қўлланилди. Айни пайтда ҳам бу борадаги янги таржималар ва мақолалар устида ишлаётим.

Қаҳрамонимизнинг ўз она Ватани ҳақидаги мана бу сўзлари ҳуюқямизни яқунлайди:

— Энг аввало, охириги йиллардаги ижобий ўзгаришлардан жуда мамнунман. Табиийки, ҳар битта янгиликдан интернет орқали хабардор бўлиб бораман. Ушбу ижобий ислохотлар юртимизни дунёга янада очилишга, Ўзбекистон деган номнинг тобора танилишига хизмат қияпти.

Муножат МҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



АСЛ ЭРКИНЛИК маънавий қонини шикдир

ЁХУД ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ КИТОБХОНЛИКДАН БОШЛАНАДИ

“Яқинда Ўзбекистон Президенти АҚШга расмий сафари давомида Нью-Йоркда Америкада истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашди. Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз раҳбарига “Юксаклик сари тасодиф бўлмаган 100 учрашув” номли китобимни совға қилдим. Аслида, Президентимиз бу китобнинг энг биринчи қаҳрамони ва мен китобда давлатимиз раҳбари билан 2018 йил май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган учрашув таассуротларини уч тилда ёзганман”, дейди ҳуқуқшунос, актёр ва блогер Отабек Маҳкамов.

— Сизни кўпчилик ашаддий китобхон сифатида танийди. Китобхон сифатида қарашларингиз биз учун қизиқ...

— Инсон ҳуқуқларининг таниқли қурашчиси Фредерик Дуглас айтганидек, “китоб ўқишни урганишининг билан бир умр эркинликка эришасиз”. Дунёнинг қўллаб қўлланган китоби кезиб амин бўлдимки, асл эркинлик маънавий қонини шикдир. Ҳозиргача 50 дан ортиқ мамлакатга савҳат қилдим. Сафарларимда, ҳатто бир кунлик бўлса ҳам, аввало, масжид ва кутубхонасига боришим шарт, вақт қолсагина бошқа жойларга бораман. Мен негандир электрон китоб ўқишга жудаям қийналанам. Китобни қўлга олганимда хидини сезишим, ўқиган варақларимни ҳисоблаб боришим, бир ўтиришда ўқиган бетларимни қўриб завқланишим керак. Мени қувонтиргани, семимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги арафасида “Уткан қунлар” романи америкалик таниқли таржимон ва тадқиқотчи Марк Эдвард Риз томонидан илк бор бевосита ўзбек тилидан инглизчага ўйрилди ва АҚШда чоп этилди. 2019 йил 27 декабрда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида ушбу китоб тақдими ўтказилди. Китобнинг илк нусхалари АҚШдаги давлат ташкилотлари, етакчи таълим муассасалари, дипломатик ваколатхоналарга тарқатилди, мамлакатнинг энг йирик Конгресс кутубхонаси каталогига киритилди. Шунингдек, бу кутубхонада Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Фароғий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби боболаримизнинг Фарб тамаддунида ўзига ҳос ўрин тутган асарлари мавжудлиги менда фахр уйғотди.

— Келгусида қайси манзил ёки гўшаги боришни орзу қиласиз?

— Ҳозиргача бормаган, лекин боришни жудаям орзу қиладиган бир кутубхона бор. Бу — 2000 йил олдин ёқиб юборилган Исхандария кутубхонаси. Унинг ўрнида 2002 йилда қуёш шаклида янги кутубхона барпо этилган, ўн миллиондан ортиқ китоб сақланади. Исхандария кутубхонаси Архимед, Эвклид ва Гиппократ каби даҳолар асарларининг дунёдаги ягона омбори бўлиб келган.

Сафарларда кўпинча китоб ҳамроҳим бўлади. Зеро, йўлда ҳаётга совуқ қарайдиган ва эзгулик нуридан бебаҳра айрим инсонлар билан суҳбатдош бўлишни истайман. Самолётда ёки поездда турли тилда сўзлашувчи инсонлар меҳрга эҳтиёжманд эканини ҳис қиламан. Меҳр чашимаси қайнаган лаҳзаларда тиллар лол қолади, нигоҳлар, қалблар сўзлашади. Қанийди бу ҳақиқатни ҳамма ҳис қила олганида.

Дунёда бундай амаллар билан шуғулланаётган инсонлар кўп ва уларнинг аксарияти ашаддий китобхон бўлгани учун кўнглида эзгулик нулини ёни туради. Демак, эзгулик йўли китобхонликдан бошланади. Бу йўлнинг кенг ва раван бўлиши ўқимшилар қанчалик кўп бўлишига боғлиқ.

— Балки шу изтиробларингиз сизни китоб ёзишга ундагандир. Қаҳрамонларингизни қандай танлайсиз?

— “Юксаклик сари тасодиф бўлмаган 100 учрашув” китобимни икки ярим йил давомида ёздим. Китоб 100 нафар қаҳрамон фаолият юритувчи 16 та соҳага бўлинади. Улар орасида Ўзбекистонда кенг ислохотлар қилаётган, халқимизни китобсевар миллатга айлантиришга интилаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёев, давлатимиз маҳиясининг сўзини ёзган шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Марказий Осиё халқларининг ҳар бирига туғилган жигаридек кадрдон, етти мамлакат халқ артисти Фаррух Зокиров сингари ватандошларимиз бор. Қаҳрамонларим билан турли мамлакатларда ўн саккиз йил давомида учрашганман. Бутун бир авлоднинг китоб ўқишга “мажбур қилган”, мутлоасани “вақт машинаси” деб билган Тоҳир Малиқдек ёзувчимиз фахрлинишга арзирли қаҳрамонларимдан бири бўлган.

— Яқинда ижтимоий тармоқларда таниқли ўзбек шоири Абдували Кутбиддиннинг “Найсон” китобини бир ёш шоир йигит ким ошди савдосида бир ярим миллион сўмга сотди. Бу ҳам юртимизда китобнинг қадри яна юксалаётганидан дарахдек...

— 1994 йилда Билл Гейтс Леонардо да Винчининг “Лестер Кодекси” китобини 30,8 миллион долларга сотиб олади ва бу китоб хозиргача аукционда сотилган энг қиммат китобдир. У китобдаги тасвирлардан Windows 98 дастурининг экран ва фон қисмини беэаида фойдаланган. Каминанинг китоби ҳам аукционларда сотилаётганидан фахрланаман.

Китобим онамга бағишланган. У 15 йил олдин 49 ёшида онкологик касалликдан вафот этган. Шундан бери Ўзбекистонда айнан онкологик касаллик билан оғриган, оғир ахволда, қийин шароитда қолган оилалар болаларига қўлимдан келганича дори-дармон масаласида ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Шахсий маблагим етмай қолганда ҳоимлар кўмагида, турли акциялар орқали уларни қўллаб-қувватлашга интилам.

Дунёда бундай амаллар билан шуғулланаётган инсонлар кўп ва уларнинг аксарияти ашаддий китобхон бўлгани учун кўнглида эзгулик нулини ёни туради. Демак, эзгулик йўли китобхонликдан бошланади. Бу йўлнинг кенг ва раван бўлиши ўқимшилар қанчалик кўп бўлишига боғлиқ.

Журналист
Дилдора МАРДИЕВА
суҳбатлашди.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида bosилган. Қoғoз бичими А2. Баҳоcи келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳир: Шероз Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 00:30 Топирилди — 01:15